Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 221 (8211) ● 22 ноябрь, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ОЛТИН ҚЎЛЛИ ПАХТАКОРЛАРИ ШУ КУНГАЧА ДАВЛАТГА 436 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРДИЛАР

РЕСПУБЛИКА «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ 6 МИЛЛИОН ТОННАГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИ. ● ҲОЗИРГИ КУНЛАРНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК. ● УЮШҚОҚЛИКНИ ВА САФАРБАРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК. ● КУНЛИК СУРЪАТДА ЮКСАК УНУМДОРЛИККА ЭРИШАЙЛИК. ● ҲОСИЛНИНГ БИРОН МИСҚОЛИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙ, ТЕЗДА ЙИҒИШТИРИБ ОЛАЙЛИК.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

73 МИНГ ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

БЎКА РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги йиллардаги Пленумлари қарорларини амалга ошириш, мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирган Бўка райони механизаторлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Ноқулай об-ҳаво туфайли юзага келган барча қийинчиликларни фидокорона меҳнат ва маҳорат билан енгиб, давлатга пахта сотиш юзасидан қабул қилинган юксак социалистик мажбурият областда биринчи бўлиб 20 ноябрь куни адо этилди.

Она-Ватан бўкалик пахтакорлардан 73 минг тонна сифатли «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу йиллик планга нисбатан 110,4 процентни ташкил этади. Қабул пунктларига етказиб берилган жами ҳосилнинг 86 процента машиналар билан териб олинди ва бу соҳадаги план 106 процент қилиб бажарилди. Жами хом ашёнинг 80 процентдан кўпроғи юқори сортларга қабул қилинди.

Райондаги барча колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари бу юксак ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Шу кунгача ҳар гектар майдондан 36—47 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарган «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», Фрунзе номли, «Партия XIX съезди», «Ленинобод» ва Жамбул номли колхозларнинг коллективлари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Элликцентнерчилик ҳаракатининг байроқдорлари бўлган ўнлаб юқори ҳосилли бригадалар бу йилги мураккаб ва оғир шароитда ҳам далаларда маҳорат ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилиб кўпчиликка намуна бўлдилар. Ҳамза номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, «Бўка» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева, «Ленинобод» колхозидан КПСС XXVI съезди делегати Инобат Ҳожибекова, «Партия XIX съезди» колхозидан республикада хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмад Душабоев, юқори ҳосил усталари сифатида танилган «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Исмоил Қиличев, Тимирязев номли колхоздан Баёнқул Раҳмонов, Фрунзе номли колхоздан Акбар Мирзажонов, «Коммунизм» колхозидан Уроқбой Ақилбоев ва Саидаҳад Соймоқов, «Ленинизм» колхозидан Турғунбой Азаматовлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 48—55 центнерга етказилди.

Ҳар йили бўлганидек шоҳли дала гвардиячилари мўл ва эртаки ҳосил етиштириш учун курашда ҳам, етиштирилган «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиб-териб олишда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Социалистик мусобақанинг олдинги сафида борган Абдулла Омонтоев, Сервер Усеннов, Қоржов Бесбоев, Нуриддин Нуралиев, Элбой Очилов, Элчибой Худойберганов сингари тажрибали механик-ҳайдовчилар «занғори кема»лари бункеридан 280—320 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Социалистик мусобақанинг муддатидан илгари бажарилишига республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан пахтакорларга кўмакка отланган ҳашарчиларнинг ҳам ҳиссалари каттадир. Ангрен ва Янгиобод шаҳарлари, Оржоникидзе ва Собир Раҳимов районлари ишчи-хизматчилари, студент ва ўқувчилари бўкаликларга, айниқса, самарали ёрдам кўрсатдилар.

Шуниңгдек, районда давлатга бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш халқ хўжалик планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Жумладан, дон сотиш плани 110 процент, мева 130,5 процент, сабзавот плани икки баравар, картошка плани 4,3 баравар, гўшт плани 187 процент, сут плани 105,4 процент, тухум плани 3,1 баравар адо этилди.

Район пахтазорларида ҳосил йиғим-терими давом этяпти. Бўкаликлар давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш юзасидан ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар.

(Район пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган материаллар газетанинг 3-бетида эълон қилинмоқда).

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

18 ноябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев раислигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқишга раҳбарлик ҳамда контроллик қилиш комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда ўн иккинчи беш йилликка ва бир мунча олис истиқболга мўлжалланган комплекс программани ишлаб чиқишни ташкил этишга доир тадбирлар муҳокама қилинди. СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари В. П. Лахтин, С. А. Ситарян шу масала юзасидан ахборот бердилар.

Комиссия шуни қайд этдики, программани ишлаб чиқиш чоғида ишлаб чиқаришни ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш ва фантехника тараққиётини жадаллаштириш, социал-иқтисодий ва ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга комплекс ёндашиш асосида совет кишиларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Саноатнинг, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий манфаатдорлигини ҳамда масъулиятини ошириш, аҳолининг юқори сифатли молларга ва хилма-хил хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда министрликлар ва идораларнинг, республикалар, ўлкалар ва областларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш юзасидан тадбирлар системасини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Комиссиянинг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси В. И. Воротников, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, Н. И. Рижков, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, И. И. Бодюл, Г. И. Марчук, СССР министрлари, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари раисларининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.


Комиссия мажлисида Г. А. Алиев, В. И. Воротников, И. В. Капитонов, Н. И. Рижков нутқ сўзладилар.

ОҚ ОЛТИН-ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,30	110,21	—	106,52
КОММУНИСТИК	0,10	108,78	—	110,19
БЕКОБОД	0,20	104,85	—	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,22	104,62	0,30	108,07
ПИСКЕНТ	0,12	102,99	—	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,05	102,61	—	85,68
ЧИНОЗ	0,37	102,38	0,10	77,28
Янгийўл	0,80	97,90	1,21	81,45
Ғалаба	0,18	92,49	0,02	69,25
Область бўйича	0,24	103,00	0,25	87,19



● ПИСКЕНТ пахта тозалаш заводида бу йилги ҳосилни тўхтовсиз қабул қилиб олиш, сортларини тўғри аниқлашга жиддий эътибор берилмоқда. Суратда: хўжаликлардан пешма-пеш қабул қилинаётган пахтадан уйлаётган бунтлар.

А. ИКРОМОВ фотоси.

34 ЦЕНТНЕРДАН БЎЛАДИ

● ПИСКЕНТ. «Гулистон» колхози пахтакорлари ҳам ғалаба маррасига етиб келишди. Мавжуд 1000 гектар ердан 32,05 центнердан «оқ олтин»ни йиғиштириб олишди. Она-Ватанга армуғон этилган 3205 тонна «оқ олтин»нинг 70 процентини юқори сортларга сотишди. Гектар бошига 34—36 центнердан ҳосил олишга эришган Барот Мадалиев, Иброҳим Ҳайдаров ва Рустам Раҳмоновлар бошлиқ бригада коллективлари бу ютуққа муносиб улушларини қўшишди. Механик-ҳайдовчилардан Абдурашид Абдужабборов, Мухиддин Алматов ва Исмоил Шокировлар хирмонга «занғори кема» бункеридан 110—120 тоннадан пахта тўкишди.

Колхоз далаларида ҳали ҳосил бор. Ҳўжалик аъзолари мавсум охиригача гектар бошига олинадиган умумий пахта салмоғини 34 центнерданга етказиш учун курашишмоқда.

80 ПРОЦЕНТИ БИРИНЧИ СОРТЛАРГА

● БЕКОБОД. «Авангард» совхози пахтакорлари ҳам куни кеча ғалаба рапортига имзо чекишди. Мавжуд 2236 гектар майдондан 6708 тонналик хирмон уйилди. Шунинг 4500 тоннаси машиналарда териб олинди. Умумий ҳосилнинг 80 процентини эса биринчи сортларга топширилди.

Ҳўжаликнинг бу меҳнат ғалабасига ҳозиргача ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиб, юксак социалистик мажбуриятини бажаришга эришган Абдували Убайдуллаев бошлиқ иккинчи бўлим деҳқонлари катта ҳиссаларини қўшишди. Ёқубжон Бозорқулов бошлиқ биринчи, Муҳаммадқул Ризқулов бошлиқ тўртинчи бўлим пахтакорлари ҳам йиғим-терим-да пешқадамлар сафида боришяпти.

Айни кунларда ҳўжалик деҳқонлари она-Ватанга яна 200 тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун терим суръатини сусайтирмасликка ҳаракат қилишмоқда.

ИККИ ҲЎЖАЛИК РАПОРТИ

● ЯНГИЙЎЛ. Райондаги икки ҳўжалик дастлабки довондан ошди. Калинин номли колхоз аъзолари мавжуд 1067 гектар ердан 33,4 центнердан ҳосил олиб, айни кунларда 35 центнерлик марра учун курашни давом эттиришяпти. «Партия XXI съезди» колхози мирзакорлари ҳам мавжуд 720 гектар ердан жами 2163 тонналик хирмон уйишди. Ҳосилнинг 85 процентини машиналар ёрдамида терилди. Айни кунларда бу колхоз деҳқонлари ҳам мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда.

КЎМАК ВА ХИЗМАТ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг икки автолавкаси пахтакорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Ҳозиргача улар томонидан пахтакорларга 40 минг сўмлик ҳизмат кўрсатилди. Комбинатнинг Турсуной Ғуломова, Солижон Йўлдошев ва Нуриддин Шарипов каби хизматчиларидан дала меҳнаткашлари мамнун бўлишмоқда. Мавсум охиригача бу коллектив аъзолари яна 5 минг сўмлик хизмат кўрсатишни мўлжаллашяпти.

Бундан ташқари комбинатда тузилган ҳашарчилар бригадаси Энгельс номли колхоз пахтакорларига амалий иш билан ҳам ёрдам беришмоқда. Улар ҳозиргача мажбуриятдаги 30 тонна ўрнига 80 тонна пахта териш-ди.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини уюштириш ва давлатга пахта топшириш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 21 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозида** (раиси Мараҳимов, партия ташкилотининг секретари Деққонов, касаба союз комитетининг раиси Даминова, комсомол ташкилотининг секретари Султонов ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 100,37 процент, шу жумладан машина терими плани 97,30 процент бажарилган. Ноябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 8,38 процента миқдорида пахта топширилган, машина терими йиллик планга нисбатан 18,10 процент бўлган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районидаги Калинин номли колхозга** (раиси Отабоева, партия ташкилотининг секретари Ражабов, касаба союз комитетининг раиси Аҳмедова, комсомол ташкилотининг секретари Қурбонова ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 101,89 процент, шу жумладан машина терими плани 82,20 процент бажарилган. Ноябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 7,03 процента миқдорида пахта топширилган, машина терими йиллик планга нисбатан 10,65 процент бўлган.

Байроқ Янгийўл районидаги Ленин номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Янгийўл районига, шу райондаги «Партия XXI съезди» ва Калинин номли колхозларга, Бекобод районидаги Ойбек номли совхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 21 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Коммунистик районига (район партия комитетининг секретари Мирзақулов, район ижроия комитетининг раиси Ли, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Султонова, район комсомол комитетининг секретари Толипов ўртоқлар). Бу районда 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда юксак суръатга эришилган ҳамда ўн кунлик топшириқлар қуйидагича бажарилган: гўзапояни йиғиштириб олиш — 179 процент, бегона ўтларга қарши гербицид сепиш — 276 процент, шудгор олдидан минерал ўғит солиш — 103 процент, кузги шудгор — 109 процент, органик ўғит солиш — 110 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш — 109 процент, шу жумладан ҳайдов тракторларини ремонт қилиш — 120 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш — 100 процент.

Сабзавотчиликка ихтисослашган Оржоникидзе районига (район партия комитетининг секретари Сайдалиев, район ижроия комитетининг раиси Тожибоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Усмонов, район комсомол комитетининг секретари Норматов ўртоқлар). Бу районда 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда юксак суръатга эришилган ҳамда ўн кунлик топшириқлар қуйидагича бажарилган: кузги шудгор — 200 процент, минерал ўғит солиш — 130 процент, боғ қатор ораларига минерал ўғит солиб юмшатиш — 130 процент, токларни кўмиш — 111 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш — 100 процент, ҳамма маркадаги сеялкаларни ремонт қилиш — 122 процент, боғларга кимёвий ишлов бериш — 105 процент, узумзорларга кимёвий ишлов бериш — 215 процент, хўжаликлараро суғориш шохобчаларини тозалаш — 171 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш — 100 процент.

1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда Ўрта Чирчиқ, Калинин ва Бўстонлиқ районларида яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Янгийўл, Чиноз ва Паркент районларида 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Коммунистик ва Оржоникидзе районларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Паркент районига** (район партия комитетининг секретари Алимов, район ижроия комитетининг раиси Икматов, район комсомол комитетининг секретари Эрматов, пахта штаби бошлиғи Шарафуддинов ўртоқлар). Бу районда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Тошкент шаҳар Ленин районига (район партия комитетининг секретари Асепков, район ижроия комитетининг раиси Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари Исломов, пахта штаби бошлиғи Треханов ўртоқлар). Бу районда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Ҳамза районидан олиб берилади.

Янгийўл районидаги Ленин номли 14-ўрта мактаб коллективига (директори Қурбонов, партия ташкилотининг секретари Тожибоев, касаба союз комитетининг раиси Рашидов, комсомол ташкилотининг секретари Ҳусанов ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Чиноз районидаги С. Айний номли 47-ўрта мактабдан олиб берилади.

Паркент районидаги С. Тюленин номидаги 21-ўрта мактаб коллективига (директори Исматов, партия ташкилотининг секретари Алимов, касаба союз комитетининг раиси Чинов, комсомол ташкилотининг секретари Баратов ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Калинин районидаги «Партия XXI съезди» номли 11-ўрта мактабдан олиб берилади.

Янгийўл шаҳридаги Горький номли 5-ўрта мактаб коллективига (директори Клейнбург, партия ташкилотининг секретари Пак, касаба союз комитетининг раиси Ландо, комсомол ташкилотининг секретари Акгультанова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Оққўрғон районидаги 107-қишлоқ ҳунар техника билим юртидан олиб берилади.

Ангрен шаҳридаги педагогика институти коллективига (ректори Носирхўжаев, партия ташкилотининг секретари Файзуллин, касаба союз комитетининг раиси Содиқов, комсомол ташкилотининг секретари Шукурова ўртоқлар). Бу институтда студентларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи анча яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Янгийўл районидаги педагогика билим юртидан олиб берилади.

Область молия бўлимига Янгийўл шаҳрига, Паркент районига, Тошкент шаҳар Ленин районига, Янгийўл районидаги Ленин номли 14-ўрта мактабга, Паркент районидаги С. Тюленин номли 21-ўрта мактабга, Янгийўл шаҳридаги Горький номли 5-ўрта мактабга, Янгиобод шаҳридаги 174-шаҳар ўрта ҳунар техника билим юртига, Ангрен шаҳридаги педагогика институтига кўчма Қизил байроқлар билан бирга илғор теримчиларни рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул мукофоти ажратиш топширилди.

ҒАЛАБА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ғалаба район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Ш. Ш. Хадралиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилди.

Пленум илгари Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлаб келган Ю. Т. Толиповни район партия комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари қилиб сайлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов иштирок этди.

ОҲАНГАРОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Оҳангарон район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

В. С. Урядов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод этди.

Илгари шу район партия комитетининг инструктори бўлиб ишлаб келган М. А. Бикетов район партия комитетининг бюро аъзоси ва иккинчи секретари қилиб сайланди.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАНГОВАРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ЧИЛОНЗОР

ЧИЛОНЗОР — пойтахтнинг саноати жадал ривожланаётган, қурилиш кўлами кенгайиб бораётган йирик районларидан бири. Бу ерда ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 26 процентга ортди. Район ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун 173 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ сарфланиб, 113 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Улар орасида «Узбекпластик» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги қувватлари бор. Бу қувватлар қўшимча равишда 13 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бераяпти.

Район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари талаблари асосида бу улкан ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш, иш сифатини ошириш, экономикага партиявий раҳбарликни такомиллаштириш масалалари диққат марказида бўлди. Делегатлар ҳисобот даврида эришилган ютуқларни қайд қилиш билан бир қаторда бутун эътиборни ҳал қилинмаган муаммоларга, мавжуд резервларга қаратдилар.

— Меҳнат унумдорлигини ўстириш саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов. — Ҳисобот даврида янги қувватларни ишга тушириш билан бирга ликда корхоналарни реконструкциялаш, техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ишлари кучайтириб юборилди. Беш йиллик бошидан бери бирлашмалар, завод ва фабрикаларда 800 та янги серунум машина ва механизмлар, поток ва автомат линиялар ўрнатилди. Бу меҳнат унумдорлигини 17,5 процент ўстириш имконини берди. Фақат шу йилнинг ўзида меҳнат унумдорлиги 5 процентга ортди. Асосан шу ҳисобга саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1982 йилга нисбатан 11 процентга кўпайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив пудрат усули кенг жорий этилаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда саноат корхоналаридаги ишчиларнинг 71 проценти бригада пудрати усулида ишламоқда.

Партия ташкилотлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Ҳозирги вақтда районда 48 турдаги буюм давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Бундай маҳсулотларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 10 процентга яқинлашиб қолди. Фақат шу йилнинг ўзида фахрий беш қиррали белги қўйилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш 18 процентга кўпайди.

Айни пайтда докладчи ҳам, музокараларда сўзга чиққан делегатлардан «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. Т. Абралов, «Промсвязь» заводининг слесари В. П. Елецкий, «Среднефтегазстрой» трести партия комитетининг секретари В. В. Голубев, партия ветерани, 1919 йилдан КПСС аъзоси, И. С. Секретарев, 5-таксопарк ҳайдовчиси М. Шингарев ва бошқалар ҳам ишда ҳали жиддий нуқсонлар учраб турганлигини таъкидладилар. Қатор саноат корхоналарини белгиланган планларни бажармаяптилар, шартнома бўйича маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини бардош қилмоқдалар. Масалан, 2-пойабзал фабрикасида шу йилнинг ўн ойлик плани 94 процент бажарилди, холос. Бу меҳнат интизомига қатъий риоя қилмаслик оқибати ҳамдир. Бунинг исботи тариқасида шундай мисолни келтириш мумкин: шу йилнинг тўққиз ойи давомида корхонада 2535 ишчи-куни йўқотилди. Шу ҳисобга қўшимча 107 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бой берилди.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси ҳам талабга жавоб бермайди. Айниқса «Электробитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, саноат корхоналари бошқармасида ишчиларнинг ярмидан кўпроғи оғир қўл меҳнати билан шуғулланади. Бу корхоналар партия ташкилотлари эса кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш масалаларига етарлича эътибор бермаяптилар.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб бориш, улар сифатини яхшилаш корхоналар партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳисобот даврида район бирлашмалари, фабрика ва заводларида 170 миллион сўмлик электр асбоблар, трикотаж буюмлари, пойабзаллар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бироқ бу соҳада ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Жумладан, «Союзэвм-комплекс» бирлашмаси, «Промгражданстрой» трести, бошқа қатор корхоналарда моддий-техника базаси етарли бўлишига қарамай бу ерларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ташкил этилмаган. Партия ташкилотлари эса бунга бефарқ қараб келмоқдалар.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган айрим буюмлар сифати ҳам харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Биргина 2-пойабзал фабрикаси ҳисобот даврида ёмон сифатли маҳсулотлари учун 900 минг сўмлик жарима тўлади.

Ҳисобот докладида, музокараларда иштирок этган делегатларнинг нутқларида капитал қурилишнинг аҳволи чуқур таҳлил қилиб берилди. Районда қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми шу беш йиллик бошидан бери 32 миллион сўмликка кўпайди. Ўтган даврда 124 минг квадрат метрли турар-жойлар, ҳар бири 1176 ўринли учта мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар, спорт комплекслари қурилиб фойдаланишга топширилди. «Ташметрострой», «Средазнефтегазстрой», «Главсредазирсовхозстрой», 153- қурилиш трестлари партия ташкилотлари объектларни қуриш муддатларини қисқартириш, сифатини ошириш учун ташкилотчилик ишларини кучайтирмоқдалар. Аммо қурилишдаги ишларда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Шу йилнинг ўзида райондаги 33 та буюртмачи ташкилотдан 6 таси асосий фондларни ишга тушириш бўйича белгиланган планларни бажармади. Оқибатда 5 миллион сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилмади. Кейинги пайтларда 2-«Отделстрой» трести коллективининг иши эътирозларга сабаб бўляпти. Трестда план топшириқлари бажарилмайди. Бунинг устига қурилиш сифати ёмон. Трест партия ташкилоти бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, белгиланган план ва олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши керак.

Район партия ташкилоти экономикага раҳбарлик қилишни такомиллаштириш чораларини кўраётир. Ҳозирги пайтда бевосита ишлаб чиқаришдаги партия ташкилотлари сони кўпайиб боряпти. Районда 163 та цех партия ташкилоти ва 250 та партия группаси меҳнаткашларни ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми идеологик ишни бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши деб белгилади. Партия ташкилотлари Пленум талаблари асосида оммавий-сиёсий ва гоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириб бормоқдалар. Ҳозирги пайтда меҳнат коллективларида 110 сиёсий докладчи, 5 мингдан кўпроқ сиёсий ахборотчи ва агитатор ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб бораётир.

Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим шаҳобчаларида янги ўқув йили уюшқоқлик билан бошланди. 11 минг коммунист ва партиясиз активлар 355 та мактаб ва назарий семинарда ўз билимларини оширмоқдалар. 25 минг меҳнаткаш эса иқтисодий таълим шахобчаларидаги мактабларга жалб этилган.

Шу билан биргаликда конференцияда ҳали идеологик ишда ҳам маълум камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, «Средазтехэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент область монтаж бошқармаси, «Узоргтехстрой» трести, 71-механизациялашган колонна партия ташкилотлари коллективини коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялашга етарлича эътибор бермаяптилар. Оммавий-сиёсий ишда расмиятчилик ҳолларига тўла барҳам берилгани йўқ. Қатор партия ташкилотларида сиёсий маорифдаги машғулотлар номигагина ўтказилади.

Ўн биринчи беш йилликда пойтахтнинг барча меҳнаткашлари қатори чилонзорликлар олдида ҳам улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан 254 та бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган 8900 коммунистнинг ҳар соҳада шахсий намуна кўрсатишига боғлиқдир. Шунинг учун район партия конференцияси ўзаро талабчанлик, принципиаллик руҳида ўтди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий бўлимининг мудири В. В. Окунский иштирок этдилар.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

* * *

Чилонзор район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Т. С. Содиқов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **П. Ш. Ширмуҳамедов** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Н. В. Базилевская** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЮКСАК САМАРАДОРЛИК УЧУН

ФРУНЗЕ

Фрунзе райони хўжалиги кенг тармоқли. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича республикамиз пойтахти районлари ўртасида учинчи ўринни эгаллаб турипти. Индустрия ходимлари ҳам ҳар йили юзларча миллион сўмлик турли-туман маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Бу маҳсулотнинг анчагина қисмини кенг истеъмол моллари ташкил этади. Ҳозир районда 17 та корхона ишлаб турипти. Бундан ташқари, қатор бинокорлик ва транспорт ташкилотлари, алоқа корхоналари мавжуд.

Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган XXXII Фрунзе район партия конференциясида ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини кучайтириш масалаларига катта эътибор берилди. Район партия ташкилотининг фаолияти ҳақида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йиллик ва унинг ҳал қилувчи учинчи йили давлат планларини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашмоқдалар. КПСС XXVI съездида ва партиямиз Марказий Комитетининг ундан кейин бўлиб ўтган Пленумларида ишлаб чиқилган юксалиш программаси қатъийлик билан амалга оширилмоқда. Район меҳнаткашларининг куч-ғайрати ва ижодий изланиши ишлаб чиқариш самарадорлиги, уни интенсивлаштиришни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга сафарбар этилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат активлигини ошириш, социалистик мулкка нисбатан тежаб-тергаб муносабатда бўлиш, барча ресурсларни иқтисод қилиш ҳамда кам маблағ ва меҳнат сарфлаб кўпроқ натижага эришишга қаратилган оммавий-сиёсий, тушунтириш ишлари кенг кўламда олиб борилди.

Шу мақсадда партия ташкилотларининг сиёсий ташкилий иш формалари такомиллаштирилди. Социалистик мусобақанинг сафарбар этувчилик таъсири янада кучайди.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида район бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми анча ортди. Унинг 85 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига тайёрланаётган маҳсулот миқдорининг ортиши 12,6 процентни ташкил этди. Райондаги қатор корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ уч йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини бажариб қўйдилар. Улар орасида экспериментал-фурнитура, пластмасса ва рўзғор буюмлари заводлари, бинокорлик материаллари комбинати, абразив комбинати ва бошқа корхоналар бор.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадларида корхоналарни техник жиҳатдан қайта ускуналаш ва реконструкция қилиш бўйича изчил иш олиб бормоқдалар. Ҳисобот даврида асосий ишлаб чиқариш фондлари 15 процент янгиланди. Қатор янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи ярмида саноат корхоналарида 15 та поток ва комплекс механизациялашган линиялар ишга туширилди. 1600 дан ортиқ юксак унумли янги асбоб-ускуналар ўрнатилди, 540 станок ва машина модернизация қилинди. Бу меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитларини яхшилаш ва бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олиш имконини берди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот даврида меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини, илғор иш тажрибаларини кенг ёйишга катта эътибор бердилар. Айниқса, бригада пудратини қўлланишда дуруст муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги вақтда район меҳнаткашларининг 35 процента ана шу усул асосида ишламоқда. Бу ҳеч қандай маблағ сарфламаган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, айни вақтда коллективларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Бундай бригадалар аъзолари 210 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Янги усул катта самара бераётганлигини «Промстройкомплект» бирлашмаси мисолида кўриш мумкин. Янгича ишлаш керамзит ва норуда материаллар тайёрлашни 250 минг куб метр ёки 800 минг сўмлик кўпайтириш, 120 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш имконини бермоқда.

Райондаги меҳнат коллективларида иқтисодий тежамкорлик учун кураш тобора кенгаймоқда. Айниқса, металл, электр энергияси, ёқилғи ва бошқа ресурсларни тежаб қолишда корхоналарда ташкил этилган тежамкорлик бўйича комиссиялар ва халқ контроли органлари самарали ишламоқдалар. Беш йилликнинг ўтган даврида 18 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1,5 минг тонна цартли ёқилғи, 3,5 миллион куб метр газ, 1,8 минг тонна металл, 3 минг тонна цемент, 4,2 минг куб метр ёғоч-тахта иқтисод қилинди.

Конференцияда ўз касбининг моҳирлари ҳисобланган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, мураббийлар номи ҳурмат билан тилга олинди. Чунки улар ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан коллективлар ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, касбдошларини ҳам баракали ишлашга ундамоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинатидан К. Еқуббоева, Е. Губина, С. Пўлатова, «Таштекстильмаш» заводидан В. Ржанников, М. Яхяров, 1-пойабзал фабрикасидан Т. Расулов, Ф. Аҳмедовалар, пардозлаш тростидан У. Олимжонов, Т. Орипов, А. Газизовлар меҳнатда, жамоат ишларида кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Ҳисобот докладида ва музокараларда иштирок этган нотиқларнинг нутқларида район хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган саноат ишлаб чиқаришида ютуқлар қатори анчагина камчиликлар ҳам борлиги таъкидлаб ўтилди. Район саноати ўн биринчи беш йилликда планлаштирилган маррага чиқолмаяпти. Қатор корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши бўйича бегиланганидан орқада қолмоқда. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинати 1981—1983 йилларда маҳсулот ҳажмини 25 процент кўпайтириши керак бўлгани ҳолда у 15 процент ортди. Бу билан 31 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Таштекстильмаш», «Таштеплосеть», пластмасса ва рўзғор буюмлари корхоналари ҳам директив марралардан орқада қолмоқдалар. Район саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини беш йилликнинг уч йили давомида 14,7 процент ошириши керак эди. Аслида у 10,1 процентни ташкил этди. Конференцияда ўн биринчи беш йиллик марраларини эгаллай олмаётган корхоналар раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Ҳисобот доклади ва нотиқларнинг нутқларида капитал қурилиши, транспорт ва алоқа соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўпгина фикр-мулоҳазалар ҳам баён этилди. Халқ хўжалиги планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш учун тарғибот-ташвиқот ишларини ҳар томонлама кенгайтириш, уларнинг таъсир кучини ошириш, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишига эътиборни кучайтириш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш лозимлиги қайд этилди.

Ҳисобот доклади юзасидан музокараларда иштирок этган Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош директори О. Соқиев, 1-пойабзал фабрикаси партия комитетининг секретари О. Шарипов, 2502-автоколоннаси шофёри И. Тоҳиров, «Таштекстильмаш» заводи партия комитети секретари В. Кравченко, пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи қуювчиси Т. Бугаева, пардозлаш трести бошқарувчиси Д. Ҳамзин ва бошқалар ўз нутқларида ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини кучайтиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

* * *

Фрунзе район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **С. А. Хўжаева** — район партия комитетининг биринчи секретари, **Е. А. Прудников** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Т. Искандаров** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

М. МИРҲАМИДОВ.

КОММУНИСТЛАР ҲАМИША АВАНГАРД БЎЛСИН

ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ кўҳна ва навқирон районларидан бири бўлмиш Октябрь райони кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Осмонўпар маъмурий бинолар, яшаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган шинам турар-жойлар, савдо расталари ва бошқалар район кўркига кўрк қўшмоқда.

Районда қатор йирик саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари жойлашган. Уларнинг ўн минглаб меҳнаткашлари зиммадаги план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақани авж олдириб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Район саноат корхоналарининг коллективлари 18 ноябрда ўн биринчи беш йилликнинг уч йили планини бажарди. Шу йилнинг ўтган ўн ойида планга қўшимча 4 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича йиллик план 1 ноябрда, социалистик мажбурият эса 18 ноябрда адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумидан сўнг район партия ташкилоти меҳнат унумдорлигини ошириш ва интизомни яхшилаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Шу йилнинг ўтган ўн ойида 1982 йилнинг шу давридагига нисбатан прогуллар 48 процент камайди. Ўсишнинг барчасига фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ўтган уч йилда саноатда фойда 88,9 миллион сўмни, шу жумладан пландагидан ташқариси 2,5 миллион сўмни ташкил этди.

Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун кун сайин авж олдирилаётган меҳнат беллашуви да «Средазэнергоцветмет», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари олдинги сафда боришяпти. Бу коллективлар зиммаларидаги уч йиллик планни муддатидан илгари бажаришди.

Шу билан бирга, ўсиш суръати суст корхоналар ҳам йўқ эмас. Жумладан, бадиий буюмлар фабрикаси, кўн-мўйна заводи, кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси, 10-босмахона, 4-темир-бетон буюмлари заводи коллективлари ўсиш суръатлари бўйича зиммаларидаги топшириқни бажаришда оқсашяпти. Ўтган ўн ойда бешта саноат корхонаси реализация планини бажармаганлиги туфайли жами 4,1 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Фақатгина кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси 2,1 миллион сўмлик кам маҳсулот берди. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларининг сифати пастлиги учун бир миллион сўмликдан ортиқ жарима тўланди. Кўн-мўйна заводи, уйда ишловчилар фабрикаси ва бадиий буюмлар фабрикасида ҳам аҳвол шундай.

Октябрь районини қурилишлар маркази дейиш мумкин. Кейинги даврда районда Марказ-26, Марказ-27 каби йирик микрорайонлар қуриб фойдаланишга топширилди. Беш йилликнинг ўтган уч йилида район бўйича 296 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Шундан 163,8 миллион сўмни қурилиш-монтаж ишлари ташкил этади. Ҳисобот даврида 192,2 минг квадрат метр турар-жой, 2352 ўқувчи ўринли мактаблар, 640 ўринли мактабгача болалар муассасалари, қатор маиший хизмат корхоналари ва маданий муассасалар фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда қурилишдаги умумий аҳволнинг яхшиланиши суст боряпти. Ҳамон материал ва меҳнат ресурсларини сочиб юбориш, тугалланмаган қурилишларни сонини кўпайтириш ҳоллари учраб турипти, техник ҳужжатлар кеч тайёрланяпти, объектларга технология ускуналари ўз вақтида етиб келмаяпти, кўп қурилишларда интизом яхши эмас. Кўпинча, эски уйларни бузиш кечиктириб юборилаётгани туфайли қурилиш муддатлари чўзилиб кетяпти. Худди мана шу сабабларга кўра 159-қурилиш трести шу йилнинг ўн ойлик планини фақат 92 процент бажарди холос. «Ташинжстрой» трести коллективи ўз кучлари билан планни атиги 83 процент бажарди. Фақат давлат ва план интизомини бузиш туфайлигина ўтган икки йилу-ўн ойда район бўйича 31,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди.

Булар ҳақида район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари О. С. Расулов гапириб ўтди.

Доклад бўйича музокараларда сўзга чиққанлар ўз коллективларидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр юритдилар.

— Бизнинг коллективда ишлаб чиқарилаётган миллий каштачилик буюмларига аҳоли талаби тобора ортиб боряпти, — деди бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси А. Музаффарова. — Ўзбекистон ССР савдо министрлиги бу маҳсулотларни оширишни талаб қилади. Лекин фабрикага берилаётган хом ашё ҳажми кўпаймаяпти. Район партия комитети, Ўзбекистон ССР Госплани ва республика Маҳаллий саноат министрлигидан бизга номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш планини тартибга солишни, амалда ажратилган хом ашё лимити билан мутаносибликни таъминлашни илтимос қиламиз.

Шунингдек, музокарада сўзга чиққан кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмасининг тикувчиси М. Юнусова, 159-қурилиш трести партия ташкилотининг секретари В. Просолов, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Эргашев ўртоқлар ўз коллективларида партия ташкилотининг раҳбарлик ва сафарбар этувчи фаолияти ҳақида, ҳамкасбларининг зарбдор меҳнати, тежамкорлик, илғор иш усуллари ҳақида гапирдилар.

Конференцияда бригада пудратини жорий этиш тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Бу илғор усул кўп жойларда юксак самара бермоқда. Айни пайтда айрим коллективларда янги усулни жорий этишда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Кейинги пайтда райком ва бошланғич партия ташкилотлари сиёсий маориф масалалари билан фаол шуғулланяптилар. Фақат ўтган ўқув йилида 191 марксизм-ленинизм асослари, 147 илмий коммунизм мактабларида, 174 назарий ва методик семинарларда, партияхўжалик ва идеология активлари мактабларида 52 мингдан ортиқ киши шуғулланди. Музокараларда сўзга чиққан Халқлар Дўстлиги орденли А. Беруний номидаги Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари И. А. Ливерко, Октябрь район прокурори Ғ. Жалолов, 1-шаҳар касалхонасининг бош врачи Қ. Ризаев ва бошқалар бу соҳада қатор қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлашди.

Конференция қатнашчилари район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботини тинглашди ва муҳокама қилишди. Конференцияда район партия комитети ва район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий бўлими мудирининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаев иштирок этдилар.

* * *

Октябрь район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **О. С. Расулов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **А. Е. Викторов** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Х. У. Турсунова** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.



ЗАРБДОР ВАХТАДА

● **ТОШКЕНТДАГИ Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида йиллик планни муддатидан илгари бажариш ҳаракати кенг қулоч ёзди. Валентина Ким (чапда) ва Антонина Гусленко синчари ишчилар йиллик планни бир ой илгари адо этишга сўз бердилар.**

● **«УЧҚУН» тўқимачилик галантерия ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Кўзланган мақсадга эришишда социалистик мусобақанинг авж олдирилганлиги қўл келяпти. Меҳнат беллашуви қатнашчилари топшириқларни мунтазам эмёдаси билан адо этиб, пландан ташқари минглаб сўмлик маҳсулот тайёрлашмоқда. Муҳаббат Холхўжаева (чапда) ва Ирина Навошиналар шулар жумласидандир. Бу калава ўровчилар ҳозир йилнинг сўнгги кунлари ҳисобига маҳсулот топширишяпти.**

М. НУРИДДИНОВ фотолари.



ФИДОЙИЛИК, ЖАСОРАТ, ҒАЛАБА

МАШЪАЛ БЎКА РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ОНА-ВАТАНГА 73 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИБ, СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ОБЛАСТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИЛАР

ОММАВИЙ САФАРБАРЛИК

Т. ИСЛОМОВ,
район партия комитетининг биринчи секретари.

БУГУН — районимиз меҳнаткашлари учун жуда қувончли кун. Бўкаликлар юксак социалистик мажбурнятларини муддатидан илгари шараф билан бажардилар. Она-Ватанга 73 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Давлатга плондан ташқари 6800 тонна пахта сотилди. Ҳосилнинг 80 процентн юқори сортларга қабул қилинди. 85 процентн эса машиналарда териб олиниб, бу соҳадаги план анча ошириб бажарилди.

Районимиз меҳнаткашлари давлатга бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш халқ хўжалик планларини ҳам ортиғи билан бажардилар.

Албатта, бу рақамлар замирида районимизнинг лабзи ҳалол, аҳдига вафодор деҳқонлари ва чорвадорларининг фидокорона меҳнати, район партия комитетининг жуда катта ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишлари намоёндир. Улар ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида ҳам энг юқори натижаларга эришиш, зиммаларидаги план ва социалистик мажбуриятларни уддалаш йўлида йил бошиданоқ бутун куч ва тажрибаларини, имкониятларини ишга солдилар. Эзгу-ниятлар йўлида барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтдилар.

Мана, бугун аҳдимизнинг устидан чиқдик. Эл олдида юзимиз ёруғ бўлди. Шу дамларда бенихтиёр киши ёдига энг оғир кунлар тушади. 1983 йил деҳқонни яна бир бор синовдан ўтказди.

Деҳқончиликда майда иш йўқ. Ҳар бир тадбирни ўз муддатида ўтказган кишигина баракали хирмон унди. Биз бунга бу йил яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Чигит экиш кампанияси 25 мартда бошланиб, қисқа муддатда тугалланди. Афсуски, шундан кейин қурғоқчилик кунлари бошланди. Тинимсиз эсиб турган шабада тупроқдаги бор намни ҳам қуритди. Район партия комитети кезда бюро чақириб, мутахассислар, тажрибали пахта усталари билан кенгаш ўтказиб, чигит суви беришга қарор қилинди.

Ана шу даврданоқ районда оммавий сафарбарлик бошланиб кетди. Ҳамма қўлига кетмон олиб сув таради. Натижада уруғлик тўла унгириб олинди. Лекин ниҳоллар нотекис бўлиб қолди. Эндиликда уларни бир текис етилишини таъминлаш учун агротехник тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тўла амалга оширш учун кураш борди. Ҳар бир хўжаликка район партия комитетининг масъул ходимлари бириктириб қўйилди. Улар ишнинг сифатини кузатиб бордилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1983 йилда районимизда ғўза парваришн энг юксак савияда ташкил этилди. Айниқса, ишнинг сифатига бутун диққат-эътибор қаратилди. Ғўзанинг кечикишин олдини олиш мақсадида ҳар йилгидан бир марта кўп комплекс ишлов берилди. 4, 5 марта обн-ҳаёт таралди, 3,2 марта озиқлантирилди. Ўтган йилгидан 1,5 баравар кўп маҳаллий ўғит сарфланди.

Ёз ўта иссиқ келди. Июль ойидаги иссиқ оқим ҳосилга таҳдид солди. Мана шу даврда ҳамма колхозчи сувчига айланди. Тупроқда намни тўла сақлаб қолиш учун культивацияни ўз вақтида ўтказишни таъминладик. Ҳар бир картага масъул кишилар ажратилди. Улар бу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб бордилар. Бу меҳнатлар зое кетмади. Ҳамма ерда мўл ҳосил етиштирилди.

Йиғим-теримни оммавий суръатда бошлаш кўп жиҳатдан дефолиациянинг қандай ўтказилишига боғлиқ. Районимиз мутахассислари, хўжалик раҳбарлари ғўза ривожини кўздан кечириб, бу муҳим тадбирни табақалаштирилган усулда ўтказишни белгиладилар. Августнинг сўнгги кунларида дефолиацияга киришдик. Янги усул ўзини оқлади. Вақтида барги тўкилган ғўзаларда пахта қийғос очилди. Дефолиация асосан ОВХ аппаратларида ўтказилди.

Ғўза парваришн даврида ҳам хўжаликлараро, бўлим ва участкалараро, бригадалар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди.

Пахта йиғим-теримини ташкил этишда ипатоволикларнинг тажрибаси қўл келди. Тузилган зарбдор отрядлар ва группалар тиним билмай меҳнат қилдилар. Умуман бу йил районимиз далаларида 413 машина юксак унум билан ишлатилди. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 153 тоннадан «оқ олтин» терилди. Шунингдек, 67 та кўрак териш машинаси, 93 та кўрак чувиш механизми, 47 та ортувчи, 383 та транспорт тракторлари мунтазам ишлаб турди. Улар 41 та терим-транспорт отрядларига бирлаштирилди.

Район партия комитети йиғим-терим ишларини ҳар кун, ҳар соат таҳлил қилиб борди. Бевосита хўжаликларда, далаларида район партия комитетининг вакиллари иш олиб бордилар. Улар ҳар бир бригада ва участкада меҳнатни ташкил этишда энг илғор тажрибаларни қўлладилар.

Изчиллик билан олиб борилган катта ташкилий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишлар ўз самарасини берди. Пахтакорларимиз областда биринчи бўлиб халқ хўжалиқ планини ва социалистик мажбуриятларинн бажардилар.

Район меҳнаткашларининг бу ютуғига барча колхоз ва совхоз коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. «Коммунизм», Фрунзе номли, «Октябрь 40 йиллиги», «Партия XIX съезди», «Ленинизм», Тимирязев номли, «Ленинобод» ва Жамбул номли колхозларининг заршунослари, айниқса, жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бу хўжаликларда ҳар гектар майдондан 37—47 центнердан ҳосил йиғиштирнб олиниб, йиллик план 110—130 процентга адо этилди.

Бу йилги ғоят оғир шароитда катта маҳорат кўрсатиб меҳнат қилган Ҳамза номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, «Бўка» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева, «Ленинобод» колхозидан КПСС XXVI съезди делегати Инобат Хожибекова, «Партия XIX съезди» колхозидан Аҳмад Душабоев, Тимирязев номли колхоздан Баёнқул Раҳмонов, Фрунзе номли колхоздан Акбар Мирзажонов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Исмоил Қиличев, «Коммунизм» колхозидан Ўроқбой Ақлбоев бошлиқ бригада коллективлари ўзларининг ҳақиқий деҳқон эканликларини яна бир бор намойиш этдилар. Улар гектаридан 48—55 центнердан хирмон уйиб, мусобақада байроқдор бўлдилар.

Йиллик марранн барвақт эгалланишини таъминлаган шонли дала гвардиячиларимиз ҳам бутун имкониятларнн ишга солиб меҳнат қилдилар. Механизаторлар мусобақасининг пешқадами бўлган Абдулла Омонтоев, Сервер Усенов, Қоржов Бесбоев, Элбой Очилов, Нуриддин Нуралиев, Элчибой Худойберганов сингари механик-ҳайдовчилар «зангори кема» бункерларидан 250 — 320 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Йиғим-терим кампаниясининг муваффақиятли ўтишини таъминлашда социалистик мусобақа катта роль ўйнади. Бунга ҳар беш кунда якун ясаб борилди. Илғорлар тантаналн равишда кўчма Қизил байроқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Пахта йиғим-терими даврида бизга Ангрен ва Янгиобод шаҳарлари, С. Раҳимов ва Оржоникидзе районларининг ишчи ва хизматчилари, ўқувчи ва студентлари яқиндан ёрдам бердилар. Биз уларнинг хизматидан ҳамиша миннатдормиз.

Ҳали олдимизда янги марра — республикамизнинг 6 миллион тонналик хирмонини уйишдек муҳим вазифа турибди. Районимиз пахтакорлари йиғим-теримни давом эттириб, даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб оладилар.

Деҳқон донмо келгуси ҳосилни ўйлаб ишлайди. Районимизда янги ҳосил учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришга ҳам киришилди. Ҳосилдан бўшаган майдонлар шудгор қилинмоқда. Бундан ташқари дала бошларига минерал ва маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ерларни озиқлантириш бошлаб юборилди. Бир сўз билан айтганда бўкаликлар ҳамиша илғорлар сафида бўлиш учун имкониятларнн ишга солаверадилар.



● Эргаш САЛИМОВ Бўка районидаги Фрунзе номли колхозининг пешқадам механизаторларидан бири. У бу йил ўз агрегати билан 200 тонна «оқ олтин» териб берди.
Суратда: Э. Салимов.
А. МАЛЬЦЕВ фотоси.



Шу колхознинг чевар теримчиси Нодира Давидова кўпмингкилограммчилар ҳаракатига актив қўшилиб, беш кунликлар якунида бир неча марта мукофотли ўринларни эгаллади. Терим айни қизғин паллага кирган кезларда у кунига хирмонга 200 килограммга етказиб пахта териб тўкди. Унинг мавсум давомида уйган шахсий хирмони эса 8 тоннага етди.
П. Эргашев фотоси.

ЯХШИ ИШЛАДИК, ДЕСАК БЎЛАДИ

БУ ЙИЛГИ шароитда пахта нотекис бўлиб етилди. Натижада машина терминн уюшқоқлик билан ташкил этишда қийинчилик туғилди. Лекин колхозимиз механизаторлари юз берган шароитни ҳисобга олиб, ҳар бир тадбирни юксак сифатли амалга оширдилар. Энг муҳими дефолиацияни қулай муддатда ўтказганликлари туфайли машина теримига ўз вақтида кенг иш фронти очилди. Улар «зангори кема»ларни тўла қувват билан ишлатиб, план ва социалистик мажбуриятларини областда биринчилардан бўлиб бажарилишини таъминладилар.

Ҳамкасбларим Элбой Очилов, Қоржов Бесбоев, Сайфи Аббосов, Ражаб Бесбоев, Исмоил Муртозоевлар билан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиб ҳосилнинг 96 процентини машиналар ёрдамида териб бердик.

Бу йил ўз агрегатим билан 325 тоннадан ортиқ пахта териб тўкдим. Мусобақадошларим ҳам 320—350 тоннадан «оқ олтин» териб, хирмонга барака киритдилар. Колхозимизда машина терими планн 140 процентга бажарилди.

Бир неча йилдирки, мен меҳнат қилаётган Қосим Эшонов бошлиқ бригадада етиштирилган ҳосил ёрдамчиларсиз териб олинади. Бунга механизмларни юксак унум билан ишлатаётганлигимиз туфайли эришмоқдамиз. Бу йил 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан ошириб «оқ олтин» териб олдик. Бунинг асосий қисми юқори сортларга сотилди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш ниҳоясига етяпти. Йиллик план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли уддалаган колхозимиз меҳнаткашлари эндиликда 1984 йилда ҳам «оқ олтин»дан баракали хирмон уйишга мустаҳкам замин ҳозирлашга киришдилар. Экин майдонларини ўғитлаш ва шудгорлаш авж оляпти. Бу тадбирларни бажаришда ҳам механизаторларимиз жонбозлик кўрсатяптилар.

С. УСЕИНОВ,
«Октябрь 40 йиллиги» колхози механизатори.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ИСТИҚБОЛ САРИ

БУГУН қувончли кун. Фидокорларимиз бир-бирларини улкан ғалаба билан қутламоқдалар. Дарҳақиқат районимиз пахтакорлари областда биринчи бўлиб зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар. Она-Ватан бўкаликлардан 73 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу катта ғалабада бизнинг колхозимиз деҳқонларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор, албатта.

Бундай қувончли кунга етиш учун районимиздаги ҳар бир киши бирдек жасорат кўрсатиб меҳнат қилди. Бу умумхалқ қурашидан ленинизмликлар ҳам четда қолмадилар. Шуни қувоич билан айтиш керакки, миришкорларимиз бу йилги шароитнинг ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, ўтган йилги марралан ҳам ошиб кетдилар. Ҳосилдорлик биринчи марта 40 центнердан ортди. Шу кунга қадар давлатга салкам 4600 тонна пахта топширилди. Бу ўтган йилгидан 100 тонна кўпдир. Хўш, биз бу ютуққа қандай эришдик?

Аввало, сўнгги йилларда деҳқончилик маданиятини ошириш устида тинмай иш олиб бордик. Биз биринчи навбатда кадрларни қобилиятига қараб, билим ва тажрибасига қараб жой-жойига қўйдик. Масалан, айни кунда пахтачиликдаги 15 нафар бригада бошлиғининг 5 таси олий маълумотли мутахассислардир. Қолганлари эса махсус ўрта маълумотга эга. Кўпчилигининг суяги меҳнатда қотган кишилардир.

Иккинчидан, деҳқонларимизнинг техникага бўлган муносабати кескин ўзгарди. Ҳар йили 70—80 гектар майдонга битта трактор ишлов берган бўлса, бу йил 40 гектар ерга биттадан машина, иккитадан механизатор ажратилди.

Учинчидан, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорлари асосида ҳар бир иш участкасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кишиларнинг ўз ишига масъулиятини оширишга катта эътибор берилди. Сиёсий-тарбиявий ишлар кучайтирилди. Колхоз партия ташкилоти барча сиёсий ахборотчи ва агитаторларни партиямиз қарорларини омма онгига чуқурроқ сингдиришга сафарбар этди.

Социалистик мусобақа — оммаиинг ижоди. Қаерда у яхши ва тўғри йўлга қўйилган бўлса, шу жойда албатта, муваффақиятга эришилади. Буни биз бу йилги шароитда яна бир бор тажрибамиздан ўтказдик. Йил бошиданоқ бригадалар, механизаторлар, сувчилар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилди. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилди. Партия ташкилоти мунтазам деворий газеталар, жанговар варақалар чиқардики, унда қолоқлар танқид қилинди, илғорлар шарафига шон-шуҳрат байроғи кўтарилди.

Барча кўрилган тадбирларнинг самараси бугунги кунга келиб ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Йиллик план ва социалистик мажбурият муваффақиятли уддаланди. Лекин баҳор ҳақиқатан ҳам оғир келди. Чигит экилгач, қурғоқчилик бўлиши уруғликнинг униб чиқишини кечиктирди. Биз ҳеч иккиланмай тезда сув тарадик. Натижада далаларимизда бошқа хўжаликларга нисбатан 15 кун олдин чигит униб чиқди. Ёз ойида эса ҳарорат ниҳоятда кўтарилиб кетди. Агар бундай шароитда тупроқда намни сақлай билмасангиз, ҳосилдан айрилиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Буни дилдан ҳис қилган деҳқонларимиз ҳар қатра сувнинг олтитаси далаларимиздан оқиб чиқадиган оқова сувларни қайтадан далаларга тараш учун ишлатилди. Бир қатра ҳам сув исроф бўлмади. Натижада ҳамма карталардаги ғўзаларни оби-ҳаёт билан бир текис таъминлашга эришдик.

Ғўзанинг ўсиш даврида ҳар бир агротехник тадбирнинг тўла бажарилишини мутахассисларимиз назорат қилиб бордилар. Айниқса, кун иссиқ кунларда турли зарарқунанда ҳашаротлар кўпайиб кетди. Уларга қарши курашда замонавий усул қўлланилди. Агроном-энтомологларимиз бошчилигида назоратчилар группаси ташкил этилди. Улар график усулида бригадаларда бўлиб зарур кўрсатмаларни бердилар.

Бу йилги шароитда дефолиация ўтказиш ҳам анча мураккаб бўлди. Чунки бир картанинг ўзида икки, ҳатто уч хил ғўзани учратиш мумкин эди. Шунинг учун биз мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бу тадбирни энг қулай муддатларда табақалаштириб ўтказишни белгиладик. Айтиш керакки, бу ишга анча барвақт киришдик. Натижа кутилганидан ҳам аъло бўлди. «Зангори кема»лар иш фронти билан ўз вақтида таъминланди.

Ҳал қилувчи пахта йиғим-терими мавсумига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келдик. Ҳар бир техника, машина ва механизмлар сифатли тайёрланди. Шу туфайли терминнг дастлабки кунлариданоқ юксак суръатларга эришиб, районда пешқадамлар сафида маррани эгалладик. Йиғим-терим айни қизиган кунларда йиллик планнинг 8—9 процентн миқдорида пахта тайёрланди. Бунга машина-механизмлар қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлди. Турсунқул Отақулов, Эшонқул Ўрозалиев, Саидназар Раҳмонов, Облоёр Эргашев сингари механизаторлар «зангори кема» капитанлари ўртасидаги мусобақада байроқдорлик қилдилар. Улар мавсумда 200—250 тоннадан пахта теришди.

Ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириб келаётган Ўринбой Норматов, Умурзоқ Ҳамроев, Рашид Холматов, Турғунбой Азаматов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари ҳам зиммаларидаги топшириқларни муддатидан илгари уддалаб, барчага ибрат кўрсатишди. Бу илғорларнинг тажрибаси хўжалигимиздаги барча бригадаларда қўлланилди. Шунинг учун ҳам колхозимизда илғорлар сафи ортиб боряпти. Айни кунларда ўндан ортиқ бригада оширилган мажбурият ҳисобига меҳнат қилаётир.

Ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Бу йил хўжалигимиз тарихида биринчи марта 42 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилганмиз. Ҳали даламизда ҳосил бор. Бу мажбуриятни ҳам, албатта уддалаймиз. Шу билан биргаликда келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлашга ҳаракат қиляпмиз.

А. ҚУРБОНҚУЛОВ,
«Ленинизм» колхози раиси.

УЛУШ

МЕН МЕҲНАТ қилаётган Узоқ Сандов бошлиқ бригада хўжаликда машъаллар сафидан ўрин олган. Биз бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдик. Мавжуд 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 50 центнердан ҳосил олинди. Она-Ватан хирмонига жами 300 тоннадан зиёд қимматли хом ашё етказиб бердик.

Бу муваффақиятда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор. Биз колхозчилар ғўзани ягона қилишда, бегона ўтдан тозалашда актив қатнашдик. Йиғим-терим бошланган кундан буён пахта тераяпмиз. Мавсум бошида дугонам Манзура Шодмонова билан ўн тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган эдик. Ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришдик. Ҳозир менинг шахсий хирмоним 11 тоннадан ошиб кетди. Дугонам ҳам мендан қолишмай меҳнат қиляпти.

Бу йилги шароитда белгиланган план ва мажбуриятларни бажаришда кўпминг-килограммчилар қўшган ҳисса салмоқли бўлди. Бригадамизда «оқ олтин» терими давом этяпти. Биз кунига 50—60 килограммдан подбор териб оляпмиз.

Бригадамиз аҳли ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун курашмоқда. Мен бунга ўзимнинг ўн икки тонналик хирмоним билан муносиб ҳисса қўшаман.

Г. МЎМИНОВА,
«Ленинобод» колхози илғор теримчиси.



Жуман Қулмуродов Ҳамза номли колхознинг тажрибали механизаторларидан биридир. У далаларда мўл ва эртаки ҳосил етиштириш учун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилди. Ҳосил йиғим-терими бошланган дастлабки кунданоқ ўз агрегатини пахтазорга олиб чиқиб, юксак унум билан ишлатди. Мавсум давомида 200 тоннадан кўпроқ пахта териб, механик-ҳайдовчилар мусобақасида пешқадамлик қилди.

А. Тўраев фотоси.

СУРЪАТНИ ПАСАЙТИРМАЙ

В. БЕРЕЗОВСКИЙ,
Ангрен шаҳар пахта штабининг бошлиғи:

● — СЎНГГИ йиғилишимизда Э. Худойбердиев директорлик қилаётган медицина билим юрти коллективига раҳматнома эълон қилинди. Бу коллективдан 20 га яқин илғор теримчиларга қимматбаҳо буюмлар ва эсдалик совғалари топширилди. Шаҳар комсомол комитетининг вакили эса бир неча теримчи Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлигини эълон қилди.

Анъанага мувофиқ Бўка районн пахтакорларига ҳашарга отланган ҳамшаҳарларимиз меҳнатини рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор берилялтн. Мусобақадош коллективлар ва теримчилар ўртасидаги беллашув ғолибларини шарафлаш одат тусига кириб қолган.

Ҳашарчиларимиз меҳнатлари муносиб баҳоланаётганликларига жавобан бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Турли корхона ва ташкилотлардан келган 13210 нафар ангренлик кунига ўртача 140—160 тоннадан хирмон уймоқдалар. Улар мавсум бошидан буён Бўка хозиргача 10700 тоннага яқин пахта тердилар.

Ҳамшаҳарларимиз айни кунларда ҳам кунлик суръатни пасайтирмай меҳнат қиляптилар.

ПИРОВАРД НАТИЖА САЛМОҚЛИ

ДЕҲҚОН ўз меҳнатининг пировард натижасини кўриб, билиб турса меҳнатга бўлган меҳри, ихлоси ортади. Ишида унум, қут-барака бўлади. Мана, бугун районимиз меҳнаткашлари зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар. Бу ғалабада озми-кўпми бизнинг бригадамиз пахтакорларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Сўнгги йилларда коллективимиз «оқ олтин»дан мунтазам мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Бунинг асосий манбан янги — бригада пудрати усулида ишлаётганлигимиздир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бунда ҳар ким вақтдан, техникадан, ердан унумли фойдаланишга, ишни сифатли бажаришга ҳаракат қилади. Бири-бирига ҳамкор, назоратчи бўлади. Ҳосил қанчалик мўл ва сифатли бўлса, деҳқоннинг даромади шунчалик кўп бўлади.

Ўтган йили 86 гектар майдонинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олган эдик. Бу ўнинчи беш йилликдагидан қарийб 10 центнердан ортиқдир. Аъзоларимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳам юқори бўлди. Масалан, 1982 йил ҳар бир киши ойига ўртача 175 сўмдан иш ҳақи олди. Механизаторларники эса 315 сўмни ташкил этди.

Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун курашаётган бригадамиз миришкорлари ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида янада кўтаринки руҳ билан иш бошладилар. Ҳар гектар ердан камида 45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини қабул қилдик. Шу асосда барча дала ишлари ўз вақтида ва юксак сифатли амалга оширилди. Бригадамиз учун ажратилган техникадан, минерал ўғитдан самарали фойдаландик. Ортиқча сарф-ҳаражатга йўл қўймадик. Буларнинг самараси қувончли бўлди. Ҳозиргача гектаридан йиғиштириб олинган ҳосил 42 центнердан ошиб кетди. Бу йил даромадимиз ҳам янада юқори бўлади.

Коллективимизнинг Темир Жумаев, Маҳамад Хўжамов сингари механизаторлари, Мовлуда Қурбонова Бўстоной Саматова, Бахтигул Ғойипова, Рўзимо Ҳайитова сингари чевар теримчилари «оқ олтин»ни тезроқ йиғиштириб олишда барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Улар бу йил албатта 45 центнерлик маррани эгаллашга сўз беришди.

Р. ҚУРБОНОВ,
Тимирязев номли колхозининг бригада бошлиғи.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА СОВРИНДОРИ


Бухоролик ёш рассомлар Татьяна Тахтарова ҳамда Абдуғафур Зиёевлар қувончли ижодий ютуққа эришдилар. Улар яратган «Планетамизни сақлаб қоламиз» номли плакат Бухоро, Тошкент, Прага ва Москва шаҳарлари кўргазмаларида намойиш қилинди.

Бу плакат яратилганидан сўнг кўп ўтмай, республика «Ёшлар намойиш этадилар» бадиий кўргазмасига тақдим этилди. Сўнгра у Прагада бўлиб ўтган «Тинчлик ва ҳаёт учун, ядро урушига қарши» Бутунжаҳон ассамблеясига йўл олди.

Яқинда бу плакат рассомларнинг «АҚШнинг амалдаги «тинчлик» сиёсати», «Икки дунё — икки идеология» каби бир қанча асарлари қаторида сиёсий плакат тўртинчи халқаро кўргазмасида намойиш этилди. СССР Бадиий академияси залларида ташкил этилган кўргазманинг жюри аъзолари плакатни юксак баҳоладилар ва кўргазма бронза медалига лойиқ деб топдилар.

Ёш рассомларнинг сиёсий плакатлари ва карикатуралари тинчлик учун курашни актив давом эттирмоқда.

О. АПУХТИН.



● ЎРТА ОСИЕ ипакчилик илмий-тадқиқот институти лабораторияларида ипак қурти учун сунъий озуқа яратиш муаммолари ҳал этилмоқда. Суратда: институт кичик илмий ходими Асрор Мўминов лабораторияда тажриба ўтказяпти.

А. ГОРОКРИК фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ шеърлар

ДЎСТЛАРИМ

Эй, саҳий дўстларим, яшолмам Сизсиз,
Отам ҳам, онам ҳам бузрукворим Сиз,
Менга куч ва жўшқин руҳ бағишлайсиз,
Ғамхўрим, таянчим, мададкорим Сиз.
Сиздандир беқиёс бахтиму фахрим,
Дамларимни лазиз этгувчи Сизлар,
Умримни ҳам азиз этгувчи Сизлар,
Ҳар тонгда атиргул тутгувчи Сизлар,
Ҳамдам, ҳамжон бўлиб ўтгувчи Сизлар,
Сизлардир битмас мурод, камолим,
Сизгадир ижодим, бисотда борим,
Уйда ҳам, йўлда ҳам, ишда ҳам Сизни
Ўйлайман, кўрсатган мададингизни,
Қўшиғимга қўшгум ҳимматингизни,
Оқламоқ аҳдим чин, нон, тузингизни,
Шудир асил орзум, асл мақсадим,
Арзир ҳар сонияни мадҳим айласам,
Ҳар ғазал, достонда Сизни сўйласам,
Абадий дўстликни бир умр куйласам,
Ёлқинли мисралар билан сийласам,
Меҳрим ила ёзсам дейман, дўстларим!

Рўзи ҚОДИРИЙ.

ЙИГИТЛАР

Онаман!
Тилагим: Жаҳонга тинчлик!
Тинчлик энг аввало мен учун керак.
Алла айтсам тонгда тебратиб бешик,
Гоҳи қалқиб-қалқиб кетади юрак.
Биламан!
Ватаним — тинчлик қўрғони!
Фахрим дил-дилдан нурдек қуйилар.
Юлдузлар ярақлаб турган осмони
Қушларга тинч ошён бўлиб туюлар.
Ватан тупроғини ардоқлаб турар
Чегарада серган
Мардона ўғлон.
Иссиғу совуқда у ҳушёр юрар
Бахтимиз, эркимиз, тинчликка посбон.
Чегара мустаҳкам,
Элда осойиш,
Тинч меҳнат ҳар кимга энг яхши
ҳамроҳ.
Баъзида қулоққа чалинган ташвиш
Ваҳима иннин очади бироқ.
Океан ортида кимлардир қаранг,
Урушни,
демакки қирғинни,
қумсайди!
Эшитиб асабим таранг,
Минг қийноқ,
ўйларга соламан жонни.
Йўқ!
Йўқ! — дейман титраб овозим,
Йигитлар туғилмас—бўлишга қурбон!
Бас қилинг ҳийлалар, найранглар
сизни!
Тинчлик нури билан ёришсин осмон!
Йигитлар боғ қилсин.
Очсин қўриқлар,
Чавандоз бўлсин-у
олға югурсин.
Чорласин далалар,
меҳнат,
кўриклар,
Қалбига бир оташ—
муҳаббат тўлсин!
Йигитлар гурунгга,
ишга ярашар,
Уйимиз тўрида ўтирсин улар.
Хонадон чироғи,
файзи ҳам ошар
Йигит бўлса уйда — чақалоқ кулар!
Тўйларнинг сарвари — соҳибн султон,
Азамат халқимга ҳар ишда мадад.
Пўлатдек кўксина бўлади қалқон,
Қувончу нолага биринчи ҳамдард
Йигитлар сафида менинг ўғлим бор!
Ватанга фидойи, меҳнатга чанқоқ!
Ёш бастага боғлаб жез-ку бахтиёр,
Ҳаёл-чи, гоҳида чалғитар бироқ.
Метин сафда мағрур йигит-бахтимиз,
Тинчликка, элга хизмат қилгуси.
Арғамчига қил қувват,
Дейди халқимиз,
Қалбида барқ урар Ватан туйғуси!

Муҳаббат ТУРОБОВА.

ДЕНГИЗ БИЛАН СУҲБАТ

— Безовтасан тонгдан не учун денгиз,
Ўрарсан бетиним бошинг қирғоққа,
Не нарса қўзғатди вужудингда ҳис,
Тўлқинла сапчийсан айтчи, қаёққа?
— Тонг шамоли солди—дер, денгиз,
ғулу,
Қалбимда даланинг ишқини уйғотди.
Сукутда ётгандим, энди бу туйғу
Истаклар манзили сари қўзғатди.
Орзулар туғилди юракда минг хил,
Далалар меҳрига туйсайдим қониб.
Сўнг иккимиз бирга этардик ҳосил,
Янги чаманларни меҳнатда ёниб.
Кўринмасми тошқин кўпикларимда
Хирмон-хирмон оппоқ пахталар ранги.
Наҳотки, акс этмас тиниқлигимда
Мевазор, гулбоғлар янгидан-янги.
Мавжларим ифода этмайдими ҳеч,
Гўзал, нафис гуллар чайқалишини.
Тўлқинним қирғоққа урилиб нотинч
Яшил дарахтзорлар шовуллашини.
Бермасми бир ҳовуч сувим лабингга,
Сабзавот, мевалар тотли таъмини.
Олурсанми менсиз тасаввурингга
Табиатнинг турфа хил инъомини.

Қуёшдан нур эмиб, денгиз чайқалар,
Олис уфқларда унинг жамоли.
Инсон азмя билан денгиз мавж урар,
Қуёшли диёрнинг олтин иқболи.

Илдиз ХАЙИРОВ.

Реклама ва эълонлар

«ЭГАТА»

СУЮҚ ТОЗАЛАШ ВОСИТАСИ

«Эгата» идишларда ўрнашиб қолган ёғ, қирмочларни, горелкалар, тунука товалар чирқларини яхши тозалайди.

«Эгата» мунтазам қўлланиб турилганда идишлар ифлосланишининг олди олинади.

УШБУ ВОСИТА ВНИИХИМ ПРОЕКТИНИНГ УРАЛ ФИЛИАЛИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН.

«Эгата»ни Олмалиқ маиший химия заводи кўплаб ишлаб чиқара бошлади.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

(телефон 42-95-91).



«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

29 ДЕКАБРЬ—8 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ — МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«ҚОРБОБО МЎЪЖИЗАСИ»

ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«АРЛЕКИНО» ОРИГИНАЛ ЖАНРИ ТЕАТРИ.

Бадиий раҳбар — А. АКИШИН.

«ДРУЖБА» ЦИРК КОЛЛЕКТИВИ

Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. ШАРИКБОЕВ.

ЦИРК, ЭСТРАДА ВА КИНО АРТИСТЛАРИ

Постановкачи режиссёр — Бутуниттифоқ оммавий томошалар ва театрлаштирилган байрамлар фестивалининг лауреати В. БОЛОТИН.

Томошалар 29, 30 декабрда соат 13.00 ,15.00 да; 31 декабрда соат 13.00 да; 1 январда соат 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 8 январда соат 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади.

Кассалар ҳар куни соат 14.00 дан 19.00 гача ишлайди. 1 декабрдан бошлаб кассалар соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА СОТИЛАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин: касса — 46-03-13, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

Сизда қандай янгилик бор?

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

А. НАЗАРОВ,
«Ўзбекконцерт» директори.

Биз шу кунларда Горький номидаги Москва Бадиий академик театрининг Тошкентдаги гастролларига жиддий тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари учун катта туҳфа бўладиган бу учрашув барчада қизиқиш уйғотмоқда. Таниқли коллективнинг репертуари пойтахтимизда бўлиб ўтган 1965 йилги гастролларидан сўнг ўтган вақт ичида янги-янги мукаммал асарлар билан бойиди. Режиссура ва ижрочилар маҳорати янада юксалди.

Москвалик санъаткорлар гастрол сафарини М. Горькийнинг «Сўнгтилар» спектакли билан бошлайди. Шунингдек, театр коллективи А. Гельманнинг «Партком йиғилиши», «Қайта алоқа», «Биз, қуйида имзо чекканлар» пьесаларини ҳам саҳналаштирганлар.

Шу авторнинг «Юзма-юз» деб номланган пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль тошкентликларга манзур бўлиши шубҳасиз. Чунки спектакль давомида саҳнада фақат икки актёр — Олег Ефремов ва Татьяна Лаврова-лар ўткир психологик, фалсафий, оилавий драманы қалбларга етказиб борадиган даражада маҳорат билан ижро этганлар.

МХАТ гастроли ўн икки кун давом этади ва 4 декабрда якунланади. Бу давр мобайнида республикамиз меҳнаткашлари, зиёлилари, студент ёшлари катта санъат соҳибларининг катта маҳоратлари билан яқиндан танишадилар.

«БАҲОР»ГА МАРҲАМАТ

А. ҲОЛМУҲАМЕДОВ,
«Баҳор» концерт залининг директори

Биз камер музикаси шайдоларини ўз концерт залимизга таклиф қилишдан мамнун бўлдик. Бу ерда қардош Арманистоннинг Давлат камер оркестри гастрол концертини ўтказди.

Оркестр ўзбекистонлик санъат ихлосмандларига ранго-ранг репертуар асосидаги концерт программасини тайёрлаган. Арманистонлик созандалар классик куйларни маҳорат билан ижро эта олишлари билан иттифоқимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам машҳурдирлар.

Кўп йиллардан бери бу коллективда Арманистон халқ артисти, халқаро конкурслар лауреати Рубен Агаронян бадиий раҳбар ва солистдир. Таниқли санъаткор оркестр репертуарини Гендель, Корелли, Вильвальдининг машҳур асарлари билан бойитди.

Арманистонлик дўстларимизга республикамизнинг сахий кузи, санъат ихлосмандларининг қизғин олқишлари ҳам хушкайфият, дўстлик туйғулари бахш этди.

«МАЛИНОВКА» ДАЛАДА ЯНГРАДИ

Р. МАҲКАМОВ,

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройи қошидаги «Прометей» вокал-чолғу ансамбли раҳбари

Корхонамиз ишчи-хизматчилари айни кунларда Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам беришаяпти. Биз қисқа вақт ичида икки марта ҳамкасб ҳашарчилар ҳузурида бўлдик. Колхоз маданият саройида уюштирган концертимизни ишчиларимиз билан бирга барча хўжалик аъзолари ҳам мириқиб томоша қилдилар.

Пахтакорлар талабларига биноан совет ва чет эл композиторларининг қўшиқлари ижро этилди. Ансамблимиз аъзолари — созловчи В. Меренков, ишчи В. Мишусин, ва бошқалар ижро этган «Малиновка», «Учқудуқ», «Шаҳрисабз» каби қўшиқлар олқишлар билан кутиб олинди.

«СИГНАЛ» «ДИАГНОЗИ»

ТОЛАННИНГ навбни қандай аниқлаш керак! «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари пахта толасининг навини аниқлайдиган янги технологияни ишлаб чиқдилар. Улар таклиф этган метод толанинг бутун бир тойга «диагноз» қўйиш имконини беради. Бу эса тўқимачилик хом ашёси сифат маълумотларининг аниқлигини оширади.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ЯДРОВИЙ УРУШ ҲАВФИ БАРТАРАФ ЭТИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК. Америка олимлари, Нобел мукофоти лауреатлари Ш. Глэсхау, Ф. Андерсон ва Ж. Кронин халқлар бошига тушган ядровий уруш хавфини бартараф этишга чақириб, БМТ Бош секретарига мурожаат қилдилар. Олимлар БМТ қароргоҳига бориб Х. Перес де Куэльярга планетадаги 11 минг 500 таниқли физик имзолаган баённомани топширдилар. Мазкур баённомада «ядровий қуролларни ва уларни элтиш воситаларини синаб кўриш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тўхтатилиши» ғоят зарур эканлиги таъкидланади.

(ТАСС).

КЕМА ҒАРҚ БЎЛДИ

● ТОКИО. (ТАСС). Япониянинг 500 тонна ҳажмли «Тохо-мару-12» юк кемаси ағдарилиб, ғарқ бўлди. Кема командасининг икки аъзоси ҳалок бўлди, қолганлари қутилиб қолишга муваффақ бўлдилар. Кемага юклар нотўғри ортилганлиги натижасида Токио кўрфазида ана шундай ҳалокат рўй берди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ТАЛАБИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). БМТ Хавфсизлик Кенгаши Кипрдаги турк жамоаси раҳбарларининг орол шимолий қисмида «мустақил давлат» деб аталмиш давлат тузилганлиги тўғрисидаги қарори бекор қилинишини талаб этди. Кўпчилик овоз билан қабул қилинган резолюцияда Кипрдаги турк жамоаси раҳбарларининг баёноти юридик кучга эга эмаслиги, уларнинг сепаратчиликдан иборат иши ҳақиқий эмаслиги ва оролдаги аҳволни барқарорлаштиришига мумкинлиги таъкидланади. Хавфсизлик Кенгаши халқаро ҳамжамиятни Кипр Республикасидан бошқа ҳеч қандай Кипр давлатини тан олмасликка ва оролдаги аҳволни мушкуллаштириши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиб туришга даъват қилди.

Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси вақтида қайд этиб ўтилганидек, Кипрни парчалашга қаратилган қадам Кипр масаласини сиёсий бартараф этиш истиқболларига путур етказади ҳамда оролдаги ва умуман шарқий Ўрта денгиздаги кескинликни хатарли равишда кучайтиришга олиб келади.

Резолюция ғоят катта кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

ИҒВОГАРЛИК МАҚСАДИДАГИ МАШҚЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. АП агентлигининг Тегусигальпидан хабар беришича, Американинг денгиз пиёда аскарлари бўлинмалари Пуэрто-Кастилья яқинида Гондурас соҳилига қўндилар. Мана шу кенг кўламдаги десант операциясида 1.800 дан кўп денгиз пиёда аскарлари ва 500 дан ортиқ Гондурас армияси солдатлари иштирок этмоқда.

Гондурасда Америка қўшинлари янги бўлинмаларининг туширилиши шу йил август ойидан бошлаб бевосита Никарагуа чегараларига яқин жойда иғвогарлик мақсадида бошланган «Биг пайн-2» ҳарбий машқларининг таркибий қисмидир. Бу машқлардан асосий мақсад — революцион Никарагуани чўчитиш ва шу мамлакатга бостириб кириш техникасини пишиқтиришдан иборат. АҚШ денгиз пиёда аскарлари қисмлари келиши билан Гондурасдаги Америка солдатлари сони 5 минг кишидан ошади. «Балтимор иббнингсан» газетаси бу ҳарбий ўйинларнинг иғвогарлик руҳида эканлигини таъкидлаб, Никарагуа чегараларига яқин турган Гондурас соҳилларига денгиз пиёда аскарларининг туширилиши «Рейган маъмурияти-нинг Марказий Америкага ҳарбий аралашуви кучайганлигининг ёрқин намойиши» бўлиб хизмат қилади, деб ёзади.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ҚОҲИРА. Мисрда демократияни ҳимоя қилиш Миср жамоат комитетининг ўнлаб талабларини қўллаб-қувватловчи баёнотга имзо тўплаш кампанияси бошланди.

Мамлакатдаги оппозиция-чи партияларнинг намояндалари, етакчи касаба союз ва жамоат арбоблари шу комитетга аъзодирлар. Мамлакатда фавқулодда ҳолатга чек қўйиш, Садат ҳукмронлиги йилларида қабул қилинган ҳамда гражданларнинг эркинлигини чеклайдиган қонунларни бекор қилиш, сайлов қонунини демократик асосда ўзгартириш комитет талабларида бор.

«Ал-аҳолн» газетасининг хабар қилишича, ҳозиргача унинг редакциясига мисрликлардан юзлаб мактублар келди. Уларда демократияни ҳимоя қилиш жамоат комитетининг программаси қўллаб-қувватланади.

● ВАШИНГТОН. Америка давлатлари ташкилоти Бош Ассамблеясининг бу ерда давом этаётган сессиясида Лотин Америкасидаги бир группа давлатлар илгари сурган Марказий Америка хусусидаги резолюцияси маъқулланди. Бу ҳужжатда «Контадор группаси»га аъзо бўлган мамлакатлар — Колумбия, Мексика, Панама ва Венесуэла ташаббуслари қўллаб-қувватланади.

● ТОКИО. АҚШнинг Кэмп-Хансен (Окинава ороли)даги ҳарбий базаси гарнизони олдида оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. «Тобора хатарли тус олаётган Япония-Америка «хавфсизлик шартномаси» дарҳол бекор қилинишини талаб этамиз!», «Американинг Япония диёридаги ҳарбий базалари тугатилсин!» деган шиорлар остида ўтган намойишда Япония Компартияси ва социалистик партиясининг, префектурадаги бир қанча демократик ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **электрпайвандчи, сувоқчи-бўёқчи, бўёқчи, электр-монтажчи, ғишт терувчи-монтажчи, дурадгор, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь.**

Ўқиш муддати 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳад иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақини 50 процента билан таъминланадилар. 10-синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар, ҳарбий хизматни битириб келганларга 30 сўм миқдорида қўшимча пул тўланади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАРГА «ТАШПРОМСТРОЙ»ГА ИШГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт) шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобуснинг сўнгги бекати, 13-трамвайнинг 2-«Шимолий шарқ» бекати). Телефон 64-18-41.

ЧИМКЕНТ ОБЛАСТЬ ЧОРДАРА РАЙОНИНИНГ «ВОЗРОЖДЕННАЯ СТЕПЬ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

масъул секретарь, бўлим мудири вазифасида ишлаш учун рус тилида ёзадиган журналистлар

КЕРАК

2—3 ОЙ ДАВОМИДА ТУРАР ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Чордара шаҳри, Елмуродон кўчаси, 21-уй. Телефонлар: 2-11-59, 2-18-30, 2-16-36.

СПОРТ

БЕШ ЎЙИНДА БЕШ ҒАЛАБА

«Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейбол бўйича СССР кубоги учун учинчи группада ўтказилган ўйинлар ниҳоясига етди. Тошкент зонасида 13—18 ўринлар учун даъвогарлик қилган олти команда ўзаро бахс юритди. «Автомобилист» қизлари дастлабки уч турда ғалаба қозонганлигини маълум қилган эдик. Ҳамшаҳарларимиз кейинги ўйинларда Свердловскнинг «Малахит» ва Бокунинг БЗБК командаларини бир хил 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар ва группада биринчи, умумий 13-ўринни эгаллашди.

ЎРИНБОСАРЛАР КУРИГИ

Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизларнинг СССР биринчилиги бўлиб ўтди. Республикамиз вакилларн 17 команда бахсида умумий олтинчи ўринни эгалладилар.

ТОШКЕНТЛИК ЧЕМПИОНЛАР

Бокс бўйича республика шахсий чемпионатида 120 спортчи рингга чиқди. Низомга кўра мастерликка номзодлар ғолиб келган тақдирда СССР спорт мастери талабини бажардилар. Вазн тартибида қуйидагилар Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритдилар: Х. Верказов, А. Пронин, А. Исмонлов, Р. Ҳасанов, У. Анорқулов, А. Яригин, С. Холмирзаев, Р. Рахматулин, А. Алиев, Х. Гирфанов, А. Тарасов. Чемпионларнинг олтитаси Тошкент шаҳри ва пойтахт области вакилларидир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—02309. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1719. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/XI да Олтин девор, 23/XI да Бой ила хизматчи.